



## **Савол:**

Аёллар кийимлари (европанинг модний кийимлари) билан савдо қилиш мумкинми?

## **Жавоб:**

Агар мазкур кийимлар очик сочиқ, тор ва шу каби кийимлар бўлса улар билан савдо қилиш мумкин эмас. Чунки бу кийимларни сизнинг юртингиздаги аёллар кўча-кўйларда киядилар. Аллоҳ гуноҳ ишларга кўмакчи бўлишдан қайтарган. Европаники бўлса ҳам юқоридаги сифатларда бўлмаган, мастур кийимларни сотса бўлади. Шу ўринда айтиб қўйиш жоизки, ички кийимлар билан савдо қилса бўлади. Бироқ улардан ҳам чўмиладиган жойларда кийилиши мумкин бўлганларини сотилмайди, мумкин эмас.